

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ МАҚОЛАЛАРИДА ИЖТИМОИЙ
МАСАЛАЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Ойдин Турдиева

Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти,
филология фанлари доктори.

Ойша Шукрова

ЎзЖОКУ, стажер-ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур тезис Абдулла Қодирийнинг 1927-1933 йиллар оралигиде “Қизил Ўзбекистон” газетасида нашр қилинган 3 та турли ижтимоий масалаларга бағишларган “Равот қашқирлари”, “Тарбия ишиларига диққат”, “Эски китоблар савдосини қўлга олайлик” мақолаларини жамоатчиликка етказишни мақсад қилган.

Калим сўзлар ва иборалар: Абдулла Қодирий, Жулқунбой, “Қизил Ўзбекистон”, адабий-бадиий ташкилотлар, “Равот Қашқирлари”, эски китоблар савдоси.

Матбуот ва даврий нашрлар маърифатпарварларнинг фикр ва сўз айтиши учун илк минбар вазифасини ўтагани барчага маълум. Ўзбек адабиётида роман жанрининг асосчиси, шоир, драматург ва таржимон Абдулла Қодирийнинг публицистик чиқишилари долзарб, муҳим ижтимоий масалаларни матбуотга олиб чиққанлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Адибнинг ижодий меросининг каттагина қисмини ижтимоий, маданий соҳаларга муносабати акс этган публицистик асарлар ташкил этиши маълум. Шунингдек, Қодирий публицистикаси ўз даврининг тарихий ҳужжатлари ҳам ҳисобланади. Қодирий ўзи яшаб турган давр, жамият ҳаётининг долзарб муаммолар ва ҳодисаларига бағишлиланган, бундан ташқари сиёсий ва ижтимоий ҳаёт масалаларини муҳокама қилишга бағишлиланган қатор мақолалар ёзди.

Қодирий публицист сифатида “Оина” ва “Муштум” журналлари, “Садойи Туркистон”, “Нажот”, “Улуғ Туркистон”, “Иштирокиён”¹, “Инқилоб” газеталарида чиқишилар қилиб борган. У ўзининг чиқишилари натижасида Туркистон ўлкасида жаҳолатга қарши кураш, оммани, айниқса, ёш авлодни ҳар томонлама илм-маърифатли қилиб тарбиялашга интилиш ҳаракатининг кучайишини таъминлади. Ушбу мақолада Абдулла Қодирийнинг “Қизил Ўзбекистон” газетасида 1927-йил апрель ойида чоп этилган “Равот қашқирлари”,

¹ Ўзбек тилидаги биринчи совет газетаси 1918 йил 21 июндан дастлаб Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси Миллий ишлар халқ комиссарлигининг нашри ҳисобланган ва кейинчалик партия газетаси мақомини олган «Иштирокиён» («Коммунист») газетасидир. Газета кейинчалик «Қизил байрок» (1921–22), «Туркистон» (1922–24), «Қизил Ўзбекистон» (1924–64), «Совет Ўзбекистони» (1964–91) номларида босилди. 1991 йил сентябрдан «Ўзбекистон овози» номи билан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг расмий нашри сифатида нашр этилаётir [2].

“МАНМУДХО‘ЈА ВЕНБУДИЙ ПУБЛИСИСТИКАСИ ВА ЖАДИД МАТБУОТИДА ИЖТИМОИЙ-СИЮСИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ЙОРИТИЛИШИ” мавзусидаги ҳалқаро ғимрий-амалий конференсиya

1933-йил апрельда чоп этилган “Тарбия ишларига диққат”, 1935-йил май ойида чоп этилган “Эски китоблар савдосини қўлга олайлик” публицистик матнларини таҳлили қўриб чиқилади.

Қодирий 1927 йилда “Равот қашқирлари” номли фильмига ёзилган худди шу номли [1:802] тақризида фильм томошасидан қаноатларган ҳолда қайтганини айтади. Бош ролларни ижро этган актёрлар ижросига тўхталар экан: “ҳаваскор бўла туриб ҳам дуруст адo қилған ўзбек артистларимиз ўзларига яхии умид боғладилар. Айниқса Содиқда талант мўл кўринди... Бой рўлидаги ўртоқнинг бир мунча ортдириб, тузлаброқ қилған ҳаракатлари сезилиб борди. Камбагал дехқон рўлидаги “ота”нинг типи жуда муваффақиятли сайланған.” [1:803] деб ёзади.

Шу билан бирга публицист фильмга танқидий муносабат ҳам билдириб ўтган. Хусусан унинг: “Никоҳ куни бойникига мажбурият ва зўрлиқ остида жўнайдурғон Каромат дадасидан фотиҳа олгач, бошқа хотинлар билан бирга чопиб аравага чиқади. Ҳолбуки, ўзбекнинг кекса бойига ёки ўзи хоҳламаган кишига берилган қизи тихирлиқ билан, хотинларнинг зўри, судраши билан аравага юзланади” [1:803] фикрлари Қодирийнинг нечоғлик зукко кино мунаққиди бўлганидан далолат беради. Такриз сўнгида Қодирий ўзбек киносидан кутилаётган умидларини ёзади: “Менга қолса, ўзбек давлат киносини чин муваффақиятга олиб борадурған нарса мумкин қадар сценария ёзувчиларни ўзбеклардан етишиши ва ҳозирча бўлса ёвруполик сценаристлар ёнига ўзбекларни тиркаб қўйиши, артист ва артисткаларни ўзбеклардан тарбиялашидир”.[1:804]

1933-йилда чоп этилган “Тарбия ишларига диққат” номли мақоласи эса Қодирийнинг миллатнинг бир зиёлиси сифатида ВКП М.Қ нинг адабий-бадиий ташкилотларни қайтадан қуриш ҳақидаги қарорнинг бир йиллиги муносабати билан ёзилган бўлиб, ушбу қарордан етарлича фойдалана олмаётганганидан норозилик кайфияти сезилади: “Ёш ёзгучиларимизга адабий тарбия бериш бобида ҳануз қатъий бир ҳаракатимиз йўқ; уларни адабиёт тарихи, адабий мактаблар, адабиётдаги фалсафий жараёнлар ва бошқача адабиёт ҳунарлари билан танишиши учун қимиrlамадиқ. Бу масалаларга яна совуқ ҳолда қарар эканмиз, ёш талантларни яна йўлсиз ташлаган бўлиб,... адабиётимиз сактали² ва хом ҳолда давом эта берадир” [1:809].

Гувоҳи бўлганимиздек, адаб ёш истеъдодларга йўл-йўриқ кўрсатиш, уларни тарбиялаш олдидаги масъулиятни чукур ҳис этади. Унинг эски китоблар савдосини йўлга қўйиш борасидаги қарашлари ҳам алоҳида ўрин тутуди. Унинг

² Сактали – жонсиз

“МАНМУДХО‘ЈА ВЕНБУДИЙ ПУБЛИСИСТИКАСИ ВА ЖАДИД МАТБУОТИДА ИЖТИМОИЙ-СИЯСИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ЙОРИТИЛИШИ” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

Чўлпон, Элбек, Н. Алимухамедов, С. Сиддиқлар ҳаммуаллилигига чоп этилган “Эски китоблар савдосини қўлга олайлик” мақоласи шу масалага бағишланган. Хусусан эски китобларнинг маданий мерослар ичида тутган ўрни бекиёслигини таъкидлаган адаб: “Жумхуриятимизнинг турли бурчакларида, ҳар кимларнинг қўлида бекиниб, ортиқча матаҳ бўлиб ётган қимматли асарлар жуда кўп. Булар эгасини тополмай чанг-тупроқ орасида кўмилиб ётади. Ҳолбуки кундан-кунга сони ўсиб турган илмий ходимларимиз учун улар жуда керак. Ундан ташқари, савияси ўсиб, маданий даражаси кўтарилиб турган омма ҳам янги ва эски китобларга талабгор” [1:814]. Абдулла Қодирий Москвада эски китоблар савдоси билан шуғулланадиган ўнларча давлат магазинлари борлигини, бутун Ўзбекистонда эсалоақал бир киоска ҳам йўқлигини куюниб ёzádi. Шундай экан, Ўзнашр тажриба учун Тошкентда бундай дўкон очиши мумкинлигини, маориф комиссарлиги ҳам ёрдам бериши мумкинлигини ҳамда жамоат назорати ҳам таъмин этилижагини ёzádi. Адаб бундай дўконларнинг очилишдан қатор имкониятлар пайдо бўлишини мақоласи сўнгига келтиради: “Бундай бир магазин очилганда қадимги босма ва ёзма асарларни таниш, уларни керакли кишилар ва муассасалар қўлига тўплаши мумкин бўлганидек, сўнгги вақтларда чиқиб тарқалиб кетган ва қайтадан босилмаган китобларни айирбошлиб туриш учун ҳам имконият ҳосил бўлади”[1:815].

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, ҳозирги кунда Абдулла Қодирийнинг шахсияти, ҳаёт йўли, публицистикаси... ва фожеасини қўрсатиб бериш учун шароит, мухит яратилди. Қодирийнинг бадиий асар ёзиш техникаси, портрет яратиш маҳорати кейинги авлодлар учун ижод мактаби бўлиб қолганидек, унинг публицистикаси ҳам ҳозирги кун журналистларига худди шундай мактаб вазифасини ўтайди. Шунингдек, Қодирийнинг публицистик фаолиятини миллий маданий менталитетимиздан келиб чиқсан ҳолда илмий тадқиқ қилиш келажак авлод Қодирийшунослари олдида турган катта вазифаларидан ҳисобланади.